



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017 -yil «06» 01

TOSHKENT

№ 26-НЗ

«Меҳнат муҳофазаси бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида»

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, ҳуқуқларига риоя этилиш ишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, хавфсиз иш шароитларини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш, электр хавфсизлигини, хавfli саноат объектларидан хавфсиз фойдаланишни ва техник назоратини кучайтириш мақсадида, буюраман:

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи М.Т.Талиповга:

меҳнат муҳофазаси, хавfli саноат объектлари ва экология ҳолати бўйича жамият корхоналарида тасдиқланган йиллик жадвалга асосан 2017 йил январда “Қуюв механика заводи” ШК ва ғилдиракларни таъмирлаш цехи (ВКМ), “Ховос” вагонларни таъмирлаш депоси, “Йўловчи поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш” филиали, “Эйвалекмахсустемирбетон” АЖ, “Жиззах-1” станциясидаги ДСГС корхонасига қаршли техникаларни таъмирлаш устахонасида (МРТ) мониторинг ўтказилсин;

мониторинг ўтказиш режа-жадвали тасдиқлансин.

2. Мониторинг ўтказиш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилсин:

меҳнат муҳофазаси ва хавfli саноат объектларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошлиқлар, ўринбосарлар ва бош муҳандисларнинг шахсий меъерий мажбуриятларини бажарилиши;

меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш бўйича илгор тажрибаларни ва меҳнат муҳофазаси ишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни жонлантирилиши;

меҳнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолати таҳлили ва келажакда меҳнат муҳофазасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқилганлиги;

меҳнат муҳофазаси ва хавfli саноат объектларидан фойдаланиш бўйича меъерий ҳужжатлар, қоидалар ва низомларнинг бажарилиши.

3. Хавфли саноат объектларидан фойдаланишда кўпол бузилишларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланганда, яъни Қоидалари талаблари тўлиқ таъминланмаганда дарҳол объектлар ва ускуналарнинг иши, белгиланган тартибда тамғалаш йўли билан тўхтатилсин.

4. Мониторинг натижаларига асосан далолатнома тузилиб, муҳокама ўтказилсин ва ишларни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар берилсин.

5. “Куюв механика заводи” ШК директори Э.А.Санокуловга, “Ўзвагонтаъмир” АЖ бош директори Ш.Х.Атаджановга, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга, “Эйвалекмахсустемирбетон” АЖ бош директори А.А.Муратовга:

мониторинг ўтказишда бош муҳандис ва меҳнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштирокини таъминлаб, зарур ҳолатларда автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин;

аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбирлар, жадвал ишлаб чиқилсин ва меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

6. Хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги” буйруқга асосан навбатдан ташқари йўл - йўриқ ўтказилсин.

7. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга тақдим этилган мониторинг ўтказиш режа-тадбирига асосан белгиланган тартибда хизмат сафари ҳужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи М.Т.Талипов зиммасига юклатилсин.

Жамият бошқарув раиси
ўринбосари




Э.Ш.Кадиров

3227

Н 246

“ТАСДИҚЛАЙМАН”:
Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат
хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи


«04» 01. 2017 йил.
М.Т.Талипов

2017 йиллик иш режаси асосида меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология ҳолатлари
таалабларини таъминланишини ўрганиш бўйича январь ойида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мониторинг ўтказиш
ЖАДВАЛИ

№ т/р	Корхона номи	ўтказиш санаси	Мониторинг йўналиши	Мониторинг бўйича жавобгар шахс
1	“Йулрефтранс” АЖ	10-13.01.2017 йил	Меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги, экология.	НБТз – Мухитдинов И.Н НБТи -Б.М.Асалов, М.Д.Атажанов, НБТэко- Ш.Абдурахманов НБТи – Б.А. Рахимжанов,
2	“Ўзвагонтаъмир” АЖ – ВЧД-3, ДСГС – МРТ “Жиззах-1”.	16-18.01.2017 йил		
3	“Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ – “Йўловчи поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш” филиали, “QNZ” Shk – ВКМ.	18-20.01.2017 йил		

Тузди: НБТИ



Б.А.Рахимжонов.